

**«SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилиши баёни**

Йиғилиши ўтказилган жой: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй,
«SHARQ» НМАК АЖ маъмурий биносидан

Йиғилиши ўтказилган сана: 2018 йил 11 май.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: соат 11:00.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш тугатилган вақт: соат 11:55.

Умумий йиғилиш бошланган вақт: соат 12:00.

Умумий йиғилиш раиси – Компания кузатув кенгаши раиси С.С.Шукуров

Умумий йиғилиш котиби – Н.И. Рустамова

Таклиф этилганлар:

Компания Бош директори – А.У. Гулямов

Компания Бош директори ўринбосари – Р.Т. Джумабаев

Компания молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи – Д.А. Раҳманов

Компания бош ҳисобчиси – М.А. Ишбулдина

Умумий йиғилишни очиш учун Компания кузатув кенгаши раиси С.С.Шукуров сўзга чиқди ва мажлисда қатнашаётган акциядорларни қутлаб, умумий йиғилиш кворумини аниқлаш учун сўзни санок комиссияси аъзоси Т.У.Юсуповга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан компаниянинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш учун 2018 йил 04 май ҳолатига шакллантирилган компания акциядорлари реестрига асосан, овоз беришда 2 650 188 дона овоз бериш ҳуқуқини берувчи акциялар қатнашиши мумкин. Санок комиссияси томонидан акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугалланган вақтга умумий миқдорда 2 584 102 дона овоз берувчи акция эгалари рўйхатдан ўтказилди. Бу эса компаниянинг жойлаштирилган умумий овоз берувчи акцияларининг 97,5 фоизини ташкил этади.

Йиғилиш ўтказиш учун кворум мавжуд.

Сўнг С.С.Шукуров акциядорлар умумий йиғилиши регламенти билан таништириб уни тасдиқлашни таклиф қилди. Шу билан бирга компания акциядорлари С.С.Шукуровни умумий йиғилиш раиси этиб, Н.И. Рустамовани умумий йиғилиш котиби этиб тайинладилар.

Йиғилиш регламенти, йиғилиш раиси ва котиби бир овоздан тасдиқланди.

Шундан кейин, йиғилиш раиси С.С.Шукуров умумий йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг Устав фондидаги давлат улуши миқдорини камайтириш тўғрисида.

2. Жамият Уставига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

3. Жамиятнинг акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарорга ўзгартириш киритиш тўғрисида.

1. Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилиш раиси С.С.Шукуров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 апрелдаги 259-ф-сонли фармойишига асосан “SHARQ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро ва Нурунийлар кўчалари кесишувида жойлашган 3 қаватли газета ишлаб чиқариш мажмуаси биносини (кейинги ўринларда – Объект деб аталади) тегишли ҳудуди, шунингдек муҳандислик-техник коммуникациялари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига давлат мулки сифатида оператив бошқарув ҳуқуқи билан бепул топширилиши ҳамда “SHARQ” компаниясининг устав фондидаги давлат улуши топширилаётган объектнинг қолдиқ баланс қиймати миқдорига камайтирилиши белгиланганлигини маълум қилди.

2018 йил 30 апрелда “Шарқ” компанияси томонидан объектни қабул қилиш топшириш далолатномаси имзоланиб Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига топширди.

30.04.2018 й. ҳолатига топширилаётган объектнинг баланс қолдиқ қиймати 438 754 932 сўмни ташкил қилди.

Компаниянинг устав фонди 4 737 719 763 сўмни ташкил қилиб, ҳар бир акциянинг номинал қиймати 1743 сўм бўлган 2 650 188 дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 67 953 дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акцияга бўлинган.

Компания устав фондидаги давлат улуши – устав фондининг 95 фоизини ташкил қилувчи 4 500 833 862 сўм миқдорига 2 582 234 дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияга эга. Шунга кўра, Компания устав фондини Давлат активларини бошқариш марказига тегишли (давлат улуши) 251 724 дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни бекор қилиш йўли билан 4 737 719 763 сўмдан 4 298 964 831 сўмга камайтирилиши таклиф қилинмоқда.

Муҳокамалардан сўнг, мазкур масала юзасидан таклиф овозга қўйилди:

Овоз бериш натижалари:

Рози – **2 584 227 та овоз (100 %)**, Норози – **йўқ**, Бетараф – **йўқ**.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича қабул қилинган **ҚАРОП**:

1.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.04.2018 йилдаги 259-ф-сонли фармойишига асосан “SHARQ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро ва Нурунийлар кўчалари кесишувида жойлашган 3 қаватли газета ишлаб чиқариш мажмуаси биноси тегишли ҳудуди, шунингдек муҳандислик-техник коммуникациялари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига давлат мулки сифатида оператив бошқарув ҳуқуқи билан бепул топширилиши ҳамда “SHARQ” компаниясининг устав фондидаги давлат улуши топширилаётган объектнинг қолдиқ баланс қиймати миқдорига камайтирилиши белгиланганлигини маълумот учун қабул қилинсин.

1.2. “SHARQ” НМАК АЖНинг устав фонди Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш Марказига тегишли (давлат улуши) умумий қиймати 438 754 932 (тўрт юз ўттиз саккиз миллион етти юз эллик тўрт минг тўққиз юз ўттиз икки) сўмни ташкил қилувчи 251 724 (икки юз эллик бир минг етти юз йиғирма тўрт) дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни бекор қилиш йўли билан 4 737 719 763 (тўрт миллиард етти юз ўттиз етти миллион етти юз ўн тўққиз минг етти юз олтимиш уч) сўмдан 4 298 964 831 (тўрт миллиард икки юз тўқсон саккиз миллион тўққиз юз олтимиш тўрт минг саккиз юз ўттиз бир) сўмга камайтирилсин.

1.3. “SHARQ” НМАК АЖНинг янги устав фонди миқдори қуйидагича тасдиқлансин:

Компаниянинг устав фонди 4 298 964 831 (тўрт миллиард икки юз тўқсон саккиз миллион тўққиз юз олтмиш тўрт минг саккиз юз ўттиз бир) сўмни ташкил қилиб, ҳар бир акциянинг номинал қиймати 1743 (бир минг етти юз қирқ уч) сўм бўлган 2 398 464 (икки миллион уч юз тўқсон саккиз минг тўрт юз олтмиш тўрт) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 67 953 (олтмиш етти минг тўққиз юз эллик уч) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акцияга бўлинган.

1.4. “SHARQ” НМАК АЖ ижро органига (Гулямов А.):

- Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида мазкур қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилсин;

- ваколатли давлат органларида жамият устав фондини камайтириш билан боғлиқ ҳужжатларни ўрнатилган тартибда қайта рўйхатдан ўтказишни таъминласин.

2. Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича компания юридик бўлими бошлиғи Т.У.Юсупов сўзга чиқиб қуйидагиларни таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.04.2018 йилдаги 259-ф-сонли фармойишига асосан “SHARQ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг устав фондидаги давлат улуши камайтирилиши муносабати билан компания Уставига ўзгартириш киритилши зарурлигини таъкидлади. Компания Уставига киритиладиган ўзгартиришлар матни компания ижро органи томонидан тайёрланиб, Кузатув кенгаши томонидан маъқуллангани ҳамда акциядорлар уммумий йиғилиши тасдиғига киритилганлигини маълум қилди.

Йиғилиш иштирокчилари компания Уставига киритилаётган ўзгартиришлар матни билан танишдилар.

Ушбу масала йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама қилинган, йиғилиш раиси кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан овоз бериш таклифини киритди.

Овоз бериш натижалари:

Рози – **2 584 227 та овоз (100 %)**, Норози – **йўқ**, Бетараф – **йўқ**.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича қабул қилинган **ҚАРОР**:

«SHARQ» НМАК АЖ Уставига киритилган ўзгартиришлар матни тасдиқлансин.

3. Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Компания Бош директори А. Гулямов қуйидагиларни маълум қилди.

“SHARQ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг устав фондидаги давлат улуши камайтирилиши муносабати билан компаниянинг аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарорга ўзгартириш киритиш лозимлигини таъкидлади.

А. Гулямов юқоридагиларни маълум қилиб, йиғилиш иштирокчилари эътиборига Компаниянинг 2013 йил 12 август куни РО321-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган акциялар янги чиқарилиши тўғрисидаги қарорига киритилаётган ўзгартиришлар матни лойиҳасини тасдиқлаш учун такдим қилди (*илова қилинади*).

Мажлис иштирокчилари муҳокамасидан сўнг, йиғилиш раиси С. Шукуров кун тартибидаги учинчи масала бўйича овоз бериш таклифини киритди.

Овоз бериш натижалари:

Рози – **2 584 227 та овоз (100 %)**, Норози – **йўқ**, Бетараф – **йўқ**.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича қабул қилинган **ҚАРОП**:

2013 йил 12 август куни РО321-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган «SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси акциядорлик жамияти қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига ўзгартириш киритилсин ва киритилаётган ўзгартиришлар матни 1 иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги масала тўлиқ кўриб чиқилганидан сўнг, Йиғилиш раиси ушбу мажлисда иштирок этган барча иштирокчиларга миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилиш баённомаси икки нусхада 2018 йил 21 май куни тузилди.

Йиғилиш раиси



Шукуров Собир Сайфиевич

Йиғилиш котиби



Рустамова Наргиза Илхамжановна